



ТАРЖИМАШУНОСЛИК

ТАРЖИМАДА МАДАНИЙ МОСЛАШИШ ҲОЛАТЛАРИ

*Тухтасинов Илҳомжон Мадаминovich,
Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти*

Калит сўзлар: нейтрал, эвфемизм, эвфемистик, эквивалент, денотатив, индивидуал.

Таржима бу шундай жараёнки, у икки миллат, икки тил ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Ваҳоланки, шундай экан таржимон бу икки халқнинг маданияти юзасидан келиб чиқадиган таржима муаммоларига дуч келиши инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Бу факт таржимашунос олим Қ.Мусаевнинг куйидаги фикри билан тасдиқланишини кўришимиз мумкин. Аслиятда ифода этилган фикрни юзага келтирган сўзларни беасос луғавий-аниқ экс эттиришга уриниш умуман таржима амалиёти учун хавфли бўлса, бу усул миллий тушунчаларни акс эттирадиган лисоний воситаларни ўгиришда янада кўпроқ хатарлидир. Бундай ҳолларда таржиманинг аслиятга мазмуний-вазифавий ва анъанавий мос келиш имконияти деярли истесно этилади¹. Бундан кўриниб турибдики, таржимада маданий мослаштириш ҳолатларида биз бевосита маданият билан тўғридан-тўғри алоқага чиқамиз.

“Маданият” сўзи биринчи марта инглиз олими Эдвард Б. Тейлорнинг 1871 йилда нашр этилган “Primitive Culture” китобида фойдаланилган. Тейлорнинг фикрига кўра, маданият билим, ишонч, қонун, анъаналар ва жамиятнинг турли аъзолари томонидан қабул қилинган турли одатларни ўз ичига олади. Таржима бирор матннинг шунчаки эквиваленти эмас, бу асл нусхани қайта ёзишдек қийин ва мураккаб жараён. Бу бир маданиятнинг бошқасига таъсири. Таржима фаолиятини тушуниш учун, биз маданият ва тил

тушунчаларини аниқлаштириб олишимиз, тил ва маданият ўртасида алоқаларига эътиборимизни қаратишимиз лозим. Лингвист Гари Визерспун бу алоқаларга ўз фикрини билдириб ёзади: “Агар биз маданиятга лингвистика нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, маданиятнинг бир томонлама тушунчасига эга бўламиз. Агар тилга маданият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, тилнинг бир томонлама тушунчасига эга бўламиз”.

Маданият элементларини таржима орқали бошқа тил муҳитига узатиш жараёни мураккаб масала. Маданият кундалик турмуш тажрибаларининг мураккаб тўплами, у тарих, ижтимоий тизим, дин, кундалик урф-одатлар ва анъаналарни ўз ичига олади.

Ижтимоий алоқалар ҳам маданият элементидир. Баъзи маданиятларда, одамлар катта оила шароитида яшашга ўрганишган ва бу ҳар бир оила аъзосига кундалик муомалада мурожаат қилиш эҳтиёжини туғдиради. Ҳар бир инсонга унинг номини атаб чақирилади. Катта оилаларда яшаш Ғарб халқларига у қадар хос бўлмагани боис, мурожаатни ифодаловчи сўзларни тасвирлашга инглиз тили бирмунча ожизлик қилади. Баъзи маданият эгаларида кишилар ўзларидан катталарга муайян тарзда ҳурмат билан тоға, амма деб мурожаат қилишади. Инглиз тилида бу ҳолда маълум қийинчиликлар йўқ эмас.

Баъзи расмийчиликларни ифодалаш ҳам ўта чигал, масалан, “*рахмат*” сўзи ҳолатдан келиб чиқиб турлича таржима қилинади (совға учун, хизмат учун, бирор сабаб билан раҳмат айтиб миннатдорчилик билдириш).

¹ Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. –Т.: Фан, 2005. – 117 б.



Кийим, зеб-зийнат, озиқ-овқат буюмлари ҳам таржимада муаммо туғдиради. Масалан, овқат таъми ёки унинг хусусиятларини ҳеч қачон эшитмаган одамга таржима қилиш бефойда.

Анъаналар ва урф-одатлар ҳам маданиятнинг бир бўлагидир. Хоҳ тўй, хоҳ мотам, хоҳ фестивал бўлсин, унинг ортидаги тарихи, аҳамияти, замирига яширинган символизм таржимон учун қийинчилик туғдиради.

Маданиятдан маданиятга ўтган сари эътиқод, ҳиссиёт ҳам ўзгаради. Оқ ранги баъзи маданиятларда софликни, қора эса ёвузликни билдириши мумкин. Бу шуни англатадики, маданият шаҳарлар, ташкилотлар, мактаблар каби аниқ нарсаларни ўз ичига олиб қолмай, ғоялар, урф-одатлар, оила намуналари ва тиллар каби мавҳум нарсалардан ҳам ташкил топади². Бир сўз билан айтадиган бўлсак, маданият жамиятнинг яшаш тарзи, ҳаёт тарзини билдиради. У осонгина ўзгаради ва йўқ бўлиб кетиши мумкин. Чунки у фақат бизнинг онгимиздадир. Бизнинг ёзма тилимиз, давлат, бинолар ва бошқа инсон қўли билан яратиладиган нарсалар-маданият маҳсулидир. Таржима эса албатта асл матнни қайта ёзишдир. Қайта ёзиш эса янги фикр, янги ихтироларни, янги жанрларни акс эттириши мумкин ва таржима тарихи адабий янгилик тарихи ёки бир маданият лаёқатларини бошқа маданият қошига солишдир. Таржима фаолият сифатида ёки фаолият натижаси сифатида маданият тушунчасидан ажралмас тушунчадир. Бунга тарихда бир маданиятни иккинчисига таништирувчи иккита мисол мавжуд. Бир турли ҳинд тилларида ёзилган Будда муқаддас китобини хитой тилига, иккинчиси грек (юнон) олимлари ва файласуфлари китобларини грек ва ассирия тилидан, уларни ислом дунёсига танитиш мақсадида араб тилига таржима қилинишидир.

Таржима санъати дунё маданияти ривожига муҳим роль ўйнаган ва ўйнаб келмоқда. Таржима тобора ўсиб бораётган, бир тилнинг жозибасини бошқа тилга кўчирувчи ва ўқувчиларнинг хурматини қозонишни мақсад қилиб қўйган ақлий ижодий фаолиятдир. Маданият тушунчаси инсон фаолиятининг уч турига қаратилган: биз индивидуал тарзда фикрлаганимиз ва ҳаракат қилганимиз учун шахсий; биз гуруҳ бўлиб фаолият юритганимиз учун – жамоа; жамият ўзини акс эттиргани учун – ифодавий.

Тил – ижтимоий бўлиб, усиз ижтимоий фаолият йўқ. Таржима жараёнида хорижий маданият билан юзлашамиз. Шу сабабдан ҳам, таржимада муваффақиятимиз хорижий маданиятни қанчалик тушунишимизга боғлиқ, зеро таржима маданиятлараро ҳодисадир³.

Бир тилда иқтисод, экология, ҳайвонлар, сув, тоғлар, шаҳар, одамлар бошқаларга қараганда кўпроқ машғул бўладиган нарсаларни ифодаловчи сўзлар ва бирикмалар жуда кўп. Буюк Британияда сув иқтисоди, балиқчиликка доир сўзларнинг кўплиги оддий ҳол, чунки бу орол мамлакат, у сув билан ўралган.

Таржима қилишда энг катта муаммо маданиятлар ўртасидаги фарқларни ажратишдир. Муайян маданиятга мансуб аҳоли бирор нарсага ўз дунёқарашидан келиб чиқиб қарайди. Бир-бирига эквивалентдек кўринадиган сўзлар аслида эквивалент бўлмасликлари мумкин. Масалан, “*чўчка*” сўзи ўзбек тилида маълум даражада салбий бўёққа эга. Аммо “*pig*” Америкада бу сўз нейтрал маънода қўлланади. “*Swine*” сўзида бу салбийлик йўқ.

Турли маданиятлар турли йўналишга эга. Масалан, ўзбек маданиятида кўпроқ боғдорчилик, дехқончилик, чорвачилик, маиший ҳаёт манзаралари катта ўрин тутади, Америкада эса иш, пул топиш, спорт, фойда олишга диққат-эътибор кучли. Баъзи жамиятлар техникага кўпроқ,

² Виноградов В.С. Введение в переводоведение. М.: ИОСО РАН, 2001. – 222с.

³ Найда Ю.А. Наука перевода // Вопросы языкознания. – М., 1970. – № 4. – С. 57-63.



баъзилари камроқ йўналтирилган. Бу фарқ муайян мавзу борасида гап борганда ишлатиш мумкин бўлган луғатлар сонига акс этади. Бунда ўз ўрнига қараб, гап борганда техник ва нотехник луғатлардан фойдаланиш мумкин. Агарда манба тилдаги матн юқори техник жамиятдан олинган бўлса, бунда бошқа тилдаги нотехник жамиятга таржима қилиш қийин бўлади. Агар кимдир Африка маданиятига оид ижтимоий фан ҳақидаги китобни таржима қилаётган бўлса, бунда кўп ҳолларда унга эквивалент топиш қийин бўлади. Ёзма ёдгорликларни қадимги эскимос тилига қорни ҳеч қачон кўрмаган, саҳрода яшовчи араб тилидан таржима қилиш қийин. Маданиятлар турлича бўлгани боис, кўпинча таржимада эквивалент топиш мушкул. Маданият сўзларнинг ишлатилишида акс этади. Масалан, Америкада “*кўй*” сўзини – ўйламасдан иш қиладиган, камгап, босиқ инсонларга нисбатан қўллашади. Ўзбекистонда “*пахта*” сўзи кўп қўлланади, аммо бу сўз Буюк Британияда ғўза ўстирилмагани боис қўлланилмайди.

Муайян ҳолатда ишлатиладиган сўзлар, уларнинг маъносига катта таъсир кўрсатади. Муайян сўз алоқа ўрнатилган вазиятдаги турли омилларга боғлиқ бўлади. Таржимон вазиятга ҳолатда ишлатиладиган сўз маъноларидан хабардор бўлиши лозим. Сўзлар муносабат ва тўғуларни ифодалайди. Масалан: “*она*” сўзи кўпгина инсонлар учун ижобий маънога эга. “*Аёл*” сўзи бошқа томондан нейтрал маънога эга, аммо “*жодугар*” сўзи кўпчилик ўзбеклар учун салбийдир. Сўзлар инсонларда ҳиссий жавоб пайдо қилади. Юқоридаги сўзларнинг барчаси бир инсонга нисбатан қўлланиши ёки қўлланмаслиги мумкин. Сўз бир инсонга қаратилган бўлса ҳам улар орасида ҳиссий бўёқда фарқ бўлади. Масалан: “*father*”, “*daddy*”, “*dad*”, “*pop*” сўзлари лексик бирликлар, уларнинг барчаси олдинги авлоддан бўлган қариндош кишини ифодалайди. “*Ота*” - “*father*” сўзи ҳурматни “*дадажон*” - “*daddy*” -

яқинликни ифодалайди. Инсонлар кўпинча сўзларни денотатив маъносига эътибор бериб қолмай, уларни ҳиссий бўёқдорлигига ҳам қарашади.

Сўзнинг коннотатив маъноси маданий тарзда бўлади. Бир маданиятда ижобий маънога эга бўлган сўз бошқа маданиятда салбий маънода келиши мумкин. Масалан: “*tribe*” - “*қабила*” сўзи. Дунёнинг баъзи қисмларида инсонлар “*tribe*” - “*қабила*” деб аташларига тўғри муносабатда бўлишади. Баъзи жойларда инсонлар бундай аталишни ёқтиришмайди.

Тўғри маънода, қабила-этник гуруҳдир. Агар сўз таржима учун танланган бўлса, сўзнинг ижобий ва салбий томонлари ҳам ҳисобга олиниши керак. “*Тулки*” сўзи инглиз тилида ёлғончи, айёр маъносини беради. Баъзи тилларда бу сўз ҳеч қандай ҳис чақирмайди, ҳатто ижобий маънода бўлиши мумкин. Аслият тилидаги тўлиқ нейтралликка эга бўлган сўзлар адабий таржима натижасида таржима қилинаётган тилда кучли ҳис-туйғуни ифодалаши мумкин. Сўзлар ўзларининг ажралмас маъносида ҳам ўзгариши мумкин. Юқоридаги “*қабила*” сўзи нейтрал маънода бўлса ҳам, кейинчалик салбий ёки ижобий маъно касб этиши мумкин. Сўзлар кўпинча салбийдан ижобий томонга йўналиб боради. Масалан: “*skinny*” - “*қотма*”, “*thin*” - “*озгин*”, “*slender*” - “*нозик*” кўпчилик инсонлар учун қўйидаги маъноларга эга: “*skinny*” - “*қотма*” - салбий, “*thin*” - “*озгин*” - нейтрал, “*slender*” - “*нозик*” - ижобий. Маъносига кўра улар синонимлар. Лекин улар турлича қўлланади. “*Fat*” - “*семиз*” - салбий, “*overweight*” - “*ортиқча вазли*” (семиз) - нейтрал, “*plump*” - “*тўлароқ*” - ижобий. Таржимон аслият тилидаги сўзларнинг турли маъноларидан ва таржима қилинаётган тилдаги муқобилларидан хабардор бўлиши лозим.

Синонимдек кўринган сифатларни аслида ўзаро алмаштириб бўлмаслиги мумкин. Масалан: “*beautiful*” - *гўзал*, “*handsome*” - *келишган*, “*lovely*” -



қўркам, “pretty” - сулув сўзлари бир-бирига яқин маънода келса ҳам, турлича қўлланади. Улар *келишган* - эркакларга, отларга, мебель қисмларига нисбатан, *қўркам*- аёл кишига, гулларга нисбатан, *гўзал* - нейтрал сўз бўлиб, кўплаб контекстда қўлланиши мумкин. Сўзлар ўзининг янги ва эскирганлигига кўра ҳам фарқ қилади. Умуман айтадиган бўлсак, сўзлар - архаик, эскирган, нейтрал ва замонавий бўлади. Ҳар бир тилда ўзига хос архаик ва эскирган сўзлар мавжуд бўлади. Баъзи ҳолларда таржимада замонавий сўзларни қўллаш тўғри келмаслиги мумкин. Чунки бу каби сўзлар қабул қилинмаган. Бошқа томондан, архаик сўзлар жамиятнинг баъзи аъзолари томонидан рад этилиши мумкин. Масалан: “thee” - “сени” ва “thou” “сен” сўзларини қўлловчилар диний ёки шу каби сўзларни ишлатувчи маълум гуруҳга оид инсонлар бўлиши мумкин. Шу сабабдан бу каби сўзлар ҳозирги кунда таржимада ишлатилмайди.

Тилнинг луғатини ўрганаётиб, сўзларнинг маънолари нималарни англатиши, уларнинг эски ёки янги, ҳозирги луғатда нейтрал ўринда туришига эътибор қаратиш лозим. Таржимада баъзан эски ва янги сўзлар алмаштириб қўлланиши мумкин ва таржимон бу каби ҳолатларни назарда тутаяди. Таржима учун танланган энг яхши сўзлар - барча учун тушунарли сўзлардир. Сўзлар турли маданиятлар ривожига ижобий ва салбий маънолар ташийди. Айтиб ўтганимиздек, ўта салбий маъноли сўзлар ўрнига эвфемизмлар қўлланилади. Эвфемизмнинг мавжудлиги ўша сўзнинг ўта салбий маъноли эканидан далолат беради. Баъзи маданиятларда ўлган инсон номини айтиш тақиқланади. Бошқаларида эса, болаларни ўтган аждодлари номи билан аташ ижобий муносабат белгисидир. Бундан ташқари, ижобий табулар ҳам бўлиши мумкин. Масалан: яхудий аҳолиси ҳурмат билан Худо номини эвфемистик йўл билан ифодалайдилар. Бу исм оддий суҳбатларда қўлланилмай, осон, “*ҳаммадан улуг*” каби

сўзлар ишлатилади. Бу каби сўзлар адабий таржимада ҳисобга олиниши зарур.

Лексик бирикмаларнинг танланиши ким билан гаплашаётганига ҳам боғлиқ. Сўзловчига қарата мурожаат қилишда луғат бойлигидан фойдаланишни тақозо этади. Инсон университетнинг аудиториясида бир хил, кичкина бола билан гаплашганда эса бошқача сўз юритади.

Кўпгина тилларда “baby talk” - “*бола тили*” деб аталган нутқ тури мавжуд. Инглиз тилида, биз агар “Baby wants milk” - “*Бола сўт ичишни хоҳлаяпти*” ёки “Daddy loves you” - “*Даданг сени севади*” каби гапларни эшитсак, дарҳол кичик болага қаратилганини англаймиз. Кичик болалар билан оғзаки алоқа махсус грамматик тузилишларни ўз ичига олиши ёки товуш ўзгаришларини қўлланилиши ёки “*болабон*” гаплар айтилиши мумкин.

Кичик бола билан гаплашилганда, “old man” - “*қария*” каби сўзлар ўрнига “dad” - “*дада*” қўлланилади, “mother” - “*она*”, сўзи ўрнига “mummy” - “*ойи*” дейишади. Бундан ташқари луғат боланинг тушунишини таъминлайдиган сўзларни ўз ичига олади ва чегараланган бўлади. Ўсмирлар ҳам бир-бирлари билан гаплашганда ўзига хос сўзларни қўллашади. Катталар бу сўзларни қўллашмайди. Ҳар қандай гуруҳда ҳамма халқ тушунадиган луғат мавжуд бўлади, лекин улар фақат ёши катта инсонлар томонидан қўлланилади. Албатта таржимон махсус ёшга тегишли луғатлардан қочиши аниқ ва ҳеч қандай ёш чегараларига тегишли бўлмаган, кўпчилик тушуна оладиган луғатдан фойдаланади. Баъзи тилларда аёлларнинг ва эркакларнинг нутқлари орасида фарқлар мавжуддир. Бу фарқлар оддий, чунки эркаклар бошқа, аёллар бошқа нарсалар ҳақида сўзлашадилар. Эркакларнинг уй қуриш, бизнес, сиёсат, диний ҳуқуқлар ва ҳоказо ўзлари банд бўлган касбга оид махсус луғатлари мавжуд. Аёлларнинг уй тутиш, тарбия, тикиш, пишириш ва



хоказоларга оид махсус луғатлари бор. Масалан: ўзбек тилида “вой ўлай”, “қуриб кетгур”, “балоба учрагур”, “жуванмарг бўл” каби бирикмалар аёллар нутқида учрайди. Эркалар уларни ишлатмайди.

Юқорида кўриб ўтилганидек, таржимон нотўғри мослашишга ёки тушунмовчиликлардан қочиш мақсадида лексик эквивалентларни танлашдаги чегаралардан хабардор бўлиши лозим. Япония муомала маданиятида хушфёзлик аломатлари эътиборлидир.

Японлар ким билан гаплашишга ва ким ҳақида гапиришга қараб лексик бирлик танлайдилар. Ҳиндлар ўз луғатларида бир маънони билдирадиган, лекин *оддий* - “*humble*”, *хурмат* - “*honorific*” ва *нейтрал*-“*neutral*” маъноларда турлича қўлланиладиган сўзларни берган.

Бундай маъно фарқларини “*wife*” - хотин сўзининг инглиз тилидан ўзбекчага таржимасида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан: *wife* – *умр йўлдош, рафиқа, турмуш ўртоғим, хотиним, аёлим, уй бекам*.

Шундай қилиб, оддий сўзлар кимгадир тўғридан-тўғри мувожаат қилинганда ишлатилади. Хурмат, билдирувчи сўзлар номи улуғ инсонларга қўлланилади. Хушфёзликни ифодалаб таржима қилаётганда айти шунга мос сўзларни танлаш муҳимдир. Таржима қилаётганда буни доим эътиборда тутиш зарур. Муҳими, таржимон ўзи таржима қилаётган асарга мансуб халқнинг маданиятини билишидир. Таржима ўртача маълумотли инсонлар тушунадиган даражада қилиниши мақбул.

Адабиётлар

1. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. –Т.: Фан, 2005. – 117 б.
2. Виноградов В.С. Введение в переводоведение. М.: ИОСО РАН, 2001. – 222с.
3. Найда Ю.А. Наука перевода // Вопросы языкознания. – М., 1970. – № 4. – С. 57-63.

Тухтасинов И. Случаи культурологического соответствия в переводе. Настоящая статья посвящается переводу и его актуальным проблемам. Детально освещены такие понятия, как перевод и культура. Исследуются такие важные проблемы, как культура и связанные с ней понятия, перевод лингвистических единиц, отражающих культуру и проблемы, касающиеся их перевода. В данной статье приводятся рекомендации по решению именно этих проблем.

Tuxtasinov I. The cases of cultural accordance in translation. The article is devoted to translation and its actual problems. The concepts of translation and culture were introduced completely. Culture and concepts related to it, linguistic units express units of culture cause much problems during the translation. Different recommendations devoted to these aspects of translation were mentioned in this article.